

### **Список источников:**

1. Балихина, Н. В. Особенности применения механизмов бюджетного федерализма в России и за рубежом / Н. В. Балихина, М. Е. Косов, А. С. Зайцева // *Аудиторские ведомости*. – 2021. – № 2. – С. 66-71. – EDN UMNAQI.

2. Гамарник, И. А. Межбюджетные трансферты и развитие регионов: анализ, направления повышения эффективности / И. А. Гамарник // *Аудиторские ведомости*. – 2025. – № 2. – С. 67-81. – DOI 10.24412/1727-8058-2025-2-67-81. – EDN XTFYVD.

3. Гамарник, И. А. Практические аспекты совершенствования системы предоставления субсидий регионам / И. А. Гамарник // *Аудиторские ведомости*. – 2025. – № 4. – С. 39-52. – DOI 10.24412/1727-8058-2025-4-39-52. – EDN XUUAVM.

4. Сериков, С. Г. Модели организации межбюджетных отношений: зарубежный опыт / С. Г. Сериков // *Экономика и предпринимательство*. – 2024. – № 4(165). – С. 52-55. – DOI 10.34925/EIP.2024.165.4.007. – EDN NFDRTK.

5. Султанова, В. Р. Бюджетно-налоговая система региона / В. Р. Султанова // *Вестник Хакасского государственного университета им. Н.Ф. Катанова*. – 2025. – № 4(54). – С. 109-111. – EDN FHZNAC.

6. Таштамиров, М. Р. К вопросу о фискальной децентрализации в контексте российской модели бюджетного федерализма / М. Р. Таштамиров // *Финансовая жизнь*. – 2021. – № 3. – С. 21-26. – EDN PVPLYK.

### **ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАШДАГИ ИМКОНИАТЛАР**

**У.М. Атақулов**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти етакчи мутахассиси, и.ф.ф.д., (PhD);*

**С.Р. Маматқулов**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи*

**М.М. Абдиев**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти етакчи мутахассиси*

Ўзбекистонда яширин ва норасмий иқтисодиёт улуши юқори бўлиб, уни қисқартиришда институционал ислохотлар билан бир қаторда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш муҳим омил ҳисобланади. Давлат статистикасига кўра, 2019–2024 йилларда ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) норасмий ва яширин иқтисодиёт улуши пасайиш тенденциясини кўрсатиб,

2019 йилда 38,9%дан 2024 йилда 34,3%га тушган<sup>115</sup>. Бироқ рақамлашув суръати, рақамли тўловлар мажбурий бўлаётган сегментлар (масалан, ёқилғи қуйиш, алкоголь ва тамаки савдоси) ҳамда молиявий хизматлардан фойдаланишдаги ҳудудий тенгсизлик молиявий саводхонликни тизимли амалга оширишни талаб қилади. Марказий банк ва халқаро ташкилотлар ҳам рақамли молиявий хизматлар ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни молиявий саводхонлик билан узвий боғлайди. Ушбу тезисда молиявий саводхонликни ошириш йўллари, Ўзбекистондаги тўсиқлар ва ечимлар, шунингдек, ривожланган давлатлар (OECD амалиёти, Австралия, Сингапур, Канада ва Буюк Британия) тажрибаси асосида Ўзбекистон шароитига мос таклифлар баён этилади.

Яширин иқтисодиёт (шу жумладан норасмий сектор ва яширин фаолият) давлат бюджети тушумларини камайтириши, рақобат муҳитини бузиши, меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни секинлатиши билан иқтисодий барқарорликка таъсир кўрсатади. Ўзбекистон статистикасида “норасмий ва яширин иқтисодиёт” улуши йилма-йил ҳисобланиб, 2019–2024 йиллар кесимида қуйидаги жадвалда кўриб ўтамиз.

#### 1-жадвал

### Жами норасмий ва яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши, фоизда<sup>116</sup>

№	Соҳалар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
	<b>Жами</b>	<b>38,9</b>	<b>37,2</b>	<b>36,9</b>	<b>34,6</b>	<b>34,4</b>	<b>34,3</b>
1	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	68,5	67,3	65,9	62,8	63,6	63,6
2	Саноат	17,5	15,6	14,3	11,5	11,4	11
3	Хизмат	42,8	40,6	40,9	38,7	37,1	38,4
4	Қурилиш	45,2	38,2	39,7	35,9	36,3	36,3

Жадвал маълумотларида жами норасмий ва яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши йиллар кесимида пасайиш бўлганлиги кузатилган. Шу билан бирга, 2024 йил натижаларида яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши

8,4% экани ҳам кўрсатилган (яширин иқтисодиёт — норасмий сектордан алоҳида компонент сифатида)<sup>117</sup>.

Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш — фақат назорат ва жазо чоралари билан эмас, балки аҳолининг молиявий хулқ-атвори, тўлов маданияти, молиявий хизматларга ишончи, ҳуқуқий ва рақамли кўникмалари билан боғлиқ.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг Молия таълими бўйича халқаро тармоғи (INFE) томонидан OECD/INFE 2023

<sup>115</sup> [https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx\\_data\\_3842.pdf](https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_3842.pdf)

<sup>116</sup> Milliy statistika qo'mitasining ma'lumoti asosida mualliflar tomonidan tayyorlangan

<sup>117</sup> [https://stat.uz/img/03\\_-vvp\\_press-reliz-2024\\_ang\\_p64590.pdf](https://stat.uz/img/03_-vvp_press-reliz-2024_ang_p64590.pdf)

халқаро сўрови натижаларида молиявий саводхонликнинг молиявий барқарорлик ва фаровонлик билан боғлиқлигини кўрсатади<sup>118</sup>. Иштирокчи мамлакатларда катталарнинг фақат 34%и молиявий саводхонлик бўйича минимал мақсад кўрсаткичга ета олган, рақамли молиявий саводхонликда эса бу улуш 29% атрофида. Демак, “рақамлашган иқтисодиёт” шароитида молиявий саводхонлик — яширин иқтисодиётни қисқартиришнинг муҳим ижтимоий-институционал асосларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон банкининг 2021 йилги Global Findex маълумотлари ва унга таянадиган таҳлилларда Ўзбекистонда молиявий ҳисобга эгалик 2021 йилда 44% атрофида экани келтирилади<sup>119</sup>. Жаҳон банкининг Ўзбекистон бўйича рақамли молиявий хизматлар профили ҳам молиявий ҳисобга эгалик ва тўлов инфратузилмасини асосий кўрсаткич сифатида ёритади. Бу кўрсаткичлар аҳолининг бир қисми ҳали ҳам банк маҳсулотлари, карта ва онлайн хизматлардан тўлиқ фойдаланмаётганини англатади. Бу эса нақд пул устувор бўлган муҳитда яширин айланмаларни сақлаб қолиши мумкин.

Ўзбекистонда Марказий банк томонидан молиявий инклюзия стратегияси ишлаб чиқилганлиги ва унинг йўналишларидан бири сифатида молиявий саводхонликни ошириш белгиланганлигини халқаро манбалар ҳам қайд этади. Марказий банк молиявий саводхонликни оширишга ихтисослашган бўлинма ва ахборот платформалари (масалан, finlit.uz ташаббуслари) орқали лойиҳалар амалга оширилаётганини маълум қилган<sup>120</sup>.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки (ADB) ҳисоботида Ўзбекистонда молиявий саводхонлик кўрсаткичи 2021 йилдан кейин оз миқдорда яхшилангани, билим компоненти пасайган бўлсада, айрим хулқ-атвор индикаторлари ҳисобига умумий натижа барқарор сақлангани ҳақида маълумот келтирилган<sup>121</sup>. Бу — молиявий саводхонликни фақат “назарий билим” эмас, балки амалиёт ва одатлар (budgeting, savings, қарзни бошқариш, рақамли хавфлардан ҳимоя) орқали ошириш кераклигини кўрсатади.

Аҳолининг жуда кўплаб қисмида кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлиб, ушбу объектлар учун солиқ мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий саводхонлик муҳим рол ўйнайди.

Солиқ қўмитаси томонидан кўчмас мулк объекти мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан “SoliqUz”, “CLICK”, “U-PAY”, “PayMe” тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимда тўлаш имконияти яратилган. Ушбу тўлов тизимидан фойдаланиш фуқаролар учун бепул ва

<sup>118</sup>[https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2023/12/oecd-infe-2023-international-survey-of-adult-financial-literacy\\_8ce94e2c/56003a32-en.pdf](https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2023/12/oecd-infe-2023-international-survey-of-adult-financial-literacy_8ce94e2c/56003a32-en.pdf)

<sup>119</sup><https://documents1.worldbank.org/curated/en/099818107072234182/pdf/IDU06a834fe908933040670a6560f44e3f4d35b7.pdf>

<sup>120</sup>[https://cbu.uz/en/press\\_center/news/2690688/](https://cbu.uz/en/press_center/news/2690688/)

<sup>121</sup><https://www.finconet.org/>

амалга оширилган тўловлар учун комиссия тўлов олинмайди. Шунингдек, тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтамиз:

- Мактаб дастурларига базавий модуллар: шахсий бюджет, омонат, кредит, фоиз, фирибгарликдан ҳимоя, солиқ ва чек олиш маданияти бўйича ўқув дарсликлари доирасида мавзулар билан бойитиш;

- иш берувчилар билан ҳамкорликда “иш жойида молиявий саводхонлик”, маош картаси, кредит юки, онлайн хавфсизлик йўналишларида тарғибот ишларини жадаллаштириш;

- кекса ёшдаги аҳоли учун оддий форматда офлайн тренинглар, телевидения ва радиоларда қисқа метражли видеолар ва эшиттиришларни ташкил қилиб бориш;

- рақамли молиявий саводхонликни алоҳида йўналиш сифатида кучайтириш;

- расмий тўловларга мавжуд бўлган рағбатлантириш тизимларини (кэшбек) аниқ ижтимоий, иқтисодий рағбатлантиришлар (масалан, микрокредит ставкасини пасайтиришда “тўлов интизоми”ни ҳисобга олиш) билан бойитиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

- кўчмас мулк объектларига эга бўлган фуқароларга тўловларни солиқ органлари ҳузурига бормасдан масофадан туриб тўлашлари учун янада қулай шароитлар яратиш ва рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Миллий статистика қўмитаси (SIAT) — Норасмий ва яширин иқтисодиёт улуши ҳисоботи (2019–2024).

2. Миллий статистика қўмитаси (SIAT) — 2024 йил учун Ялпи ички маҳсулот пресс-релизи.

3. OECD/INFE 2023 Adult Financial Literacy Survey ҳисоботи.

4. Жаҳон банки — Global Findex 2021 йил асосий ҳисоботи.

5. Марказий банк — Finlit.uz сайти.

6. Осие тараққиёт банки 2024 йил ҳисоботи.

### **МЕХАНИЗМЫ СОКРАЩЕНИЯ ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКИ ПУТЕМ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ**

**Абдуганиев Учкун Хабибулла угли**

*PhD, доцент, начальник отдела “Проект совершенствования бюджетной политики и межбюджетных отношений” Научно-исследовательского института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан*

**Аннотация.** В данном тезисе популяризация финансовой грамотности анализируется как важный институциональный фактор сокращения